



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

5 (79) 2025

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

5 (79)

2025

май

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 615.31-05-07-08

ТИШЛАР ПАТОЛОГИК ЕДИРИЛИШИНИ ТАШХИСЛАШДА КЛИНИКО-ФУНКЦИОНАЛ ТЕКШИРИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ БАХОЛАШ

Ахатов Вохиджон Асатуллаевич <https://orcid.org/0009-0009-7535-9839>

Саидов Акбар Ахадович Email: akbar_saidov@bsmi.uz

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Тишлар қаттиқ тўқимасининг патологик едирилиши ва едирилган тиш тожини қайта тиклаш ортопедик стоматологиянинг долзарб муаммоларидан биридир. Тиш қаттиқ тўқимасининг едирилиши оқибати тиш-жағ тизими деформацияларига олиб келиши мумкин, бундан ташиқари фронтал тишлардаги едирилиш косметик нуқсонга сабаб бўлади. Тишларнинг патологик едирилишида тиш-жағ тизимидаги анатомо-функционал патологик ўзгаришлар билан кечадиган жараёндр. Тишлар патологик едирилиши полиэтиологик касаллик ҳисобланади. Тишлар тоғ қисмини едирилиши натижасида тишнинг эмал қавати йўқолади. Патологик едирилишни оғир даражасида дентин ҳам едирилиб тиш тоғ қисми бутунлай йўқотилади, бу эса беморларни косметик кўриниши бузилишига ва овқатни узиб олиш ва чайнов функцияларни бузилишига олиб келади

Калит сўзлар: тишларнинг патологик едирилиши, стоматологик текширув усуллари, клиник – функционал текшириш усуллари

ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ КЛИНИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ ПРИ ДИАГНОСТИКЕ ПАТОЛОГИЧЕСКОГО УДАЛЕНИЯ ЗУБОВ

Ахатов Вохиджон Асатуллаевич, Саидов Акбар Ахадович

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Патологическая окантовка твердых тканей зубов и произведенное восстановление коронки зуба является одной из актуальных проблем ортопедической стоматологии. Следствием оголения твердых тканей зуба может стать зубочелюстная деформация, кроме того, оголение фронтальных зубов вызывает косметический дефект. При патологии удаление зубов - это процесс, который сопровождается анатомо-функциональными патологическими изменениями десен. Патологическое удаление зуба - полиэтиологическое заболевание. В результате того, что зубы образуют коронковую часть, исчезает слой эмали зуба. При тяжелом уровне патологической эдификации также удаляется дентин, полностью теряется часть коронки зуба, что приводит пациентов к нарушению их косметического внешнего вида и нарушению функции приема пищи и жевания

Ключевые слова. патологическое удаление зубов, методы стоматологического обследования, методы клинико – функционального обследования

EVALUATION OF THE EFFECTIVENESS OF CLINICAL AND FUNCTIONAL STUDIES IN THE DIAGNOSIS OF PATHOLOGICAL TOOTH EXTRACTION

Axatov Voxidjon Asatullaevich, Saidov Akbar Axadovich

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara,
st. A. Navoi. 1 Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

The pathological edging of the hard tissues of the teeth and the restoration of the tooth crown is one of the urgent problems of orthopedic dentistry. Because of exposure of the hard tissues of the tooth, maxillary deformation can occur, in addition, exposure of the frontal teeth causes a cosmetic defect. In pathology, tooth extraction is a process that is accompanied by anatomical and functional pathological changes in the gums. Pathological tooth extraction is a polyethological disease. As a result of the teeth forming the crown, the tooth enamel layer disappears. With a severe level of pathological defecation, dentin is also removed, part of the tooth crown is completely lost, which leads patients to a violation of their cosmetic appearance and impaired function of eating and chewing

Keywords. *pathological tooth extraction, methods of stomological examination, methods of clinical and functional examination*

Долзарблиги

Тишлар патологик едирилишини эрта аниқлаш ва даволаш усуллари такомиллаштириш асосида олинган илмий натижаларни амалга ошириш қуйидагича амалга оширилган: Навоий кон-металлургия комбинати ишчилари орасида тишлар патологик едирилиши тарқалиш даражасини ўрганилган. Тишлар патологик едирилишини текшириш ва ташхислаш усуллари келтирилган. Бундан ташқари беморларда стоматологик касалликлар дифференсация усуллари кўрсатилган. Патологик едирилишни даражасига қараб даво-профилактика усуллари такомиллаштиришга қаратилган. Тишлар патологик едирилишини эрта аниқлаб, даволашни эрта бошлаш бўйича тавсия этилган комплекс даволаш алгоритми касалликни асоратларини яққол ривожланишининг олдини олишга имкон берган. Беморларни комплекс даволашдан сўнг чайнов самарадорлиги ҳолати тўлиқ тикланишига, ҳамда ҳаёт сифатининг ошишига олиб келган. Тишлар патологик едирилишини тавсия этилган текширишлар билан эрта ташхислаш, тишлар патологик едирилишни оғир ҳолатларга ўтишини олдини олган. Бу эса тиш-жағ тизимини морфо-функционал патологик ўзгаришларни ривожланишига йўл қўймайган. Тавсия этилган комплекс даволаш самарадорлиги юқори бўлган. Тишлар патологик едирилишида гиперестезияни терапевтик даволаш физиологик компенсатор механизмлар- эмал ва дентинни реминерализацияловчи қават ва тиш каттиқ тўқимасини мустаҳкамловчи тишлар калцификацияси, яъни иккиламчи дентин ҳосил бўлишини тезлатган. Эмал ва дентиннинг юқори сезувчанлиги калций-фосфор алмашинувининг миқдор ва сифат ўзгаришлари оқибатларини бартараф этиш учун биз беморларга калсий глитсерофосфат, поливитамин (А, В₁, В₂, С) билан бартараф этиш самарали натижа берган. Калций ва фосфорнинг органик пераратлари бир томондан иккиламчи дентин ҳосил бўлиши калсификация қилса, иккинчи томондан сўлакдан дентинга сўрилиб реминерализация жараёнини кучайтирган. Бундан ташқари беморлар тишларига 2,5% ли калций глицерофосфат эритмаси билан электрофорез ўтказилган [2.4.6.8.10.12.14].

Тадқиқот мақсади: тишлар патологик едирилишини ташхислашда клинко-функционал текширишлар самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Навоий кон-металлургия комбинатининг 138 нафар ишчилари текширилган. Беморларни ўрганилаётган гуруҳга танланиб олишнинг асосий критерийлари бўлиб клиник – лаборатор тасдиқлар хизмат қилган.

Материал ва усуллар

Тишлар патологик едирилишини тавсия этилган текширишлар билан эрта ташхислаш, тишлар патологик едирилишни оғир ҳолатларга ўтишини олдини олган. Бу эса тиш-жағ тизимини морфо-функционал патологик ўзгаришларни ривожланишига йўл қўймайган. Тавсия этилган комплекс даволаш самарадорлиги юқори бўлган. Тишлар патологик едирилишида гиперестезияни терапевтик даволаш физиологик компенсатор механизмлар- эмал ва дентинни реминерализацияловчи қават ва тиш каттиқ тўқимасини мустаҳкамловчи тишлар калцификацияси, яъни иккиламчи дентин ҳосил бўлишини тезлатган. Эмал ва дентиннинг юқори сезувчанлиги калций-фосфор алмашинувининг миқдор ва сифат ўзгаришлари оқибатларини бартараф этиш учун биз беморларга калсий глитсерофосфат, поливитамин (А, В₁, В₂, С) билан бартараф этиш самарали натижа берган. Калций ва фосфорнинг органик пераратлари бир томондан иккиламчи дентин ҳосил бўлиши калсификация қилса, иккинчи томондан сўлакдан дентинга сўрилиб


реминерализация жараёнини кучайтирган. Бундан ташкари беморлар тишларига 2,5% ли калций глицерофосфат эритмаси билан электрофорез ўтказилган.

1-даражали тишлар патологик едирилишини оғир даражаларга ўтиб кетмаслиги учун CAD/CAM технологияси билан тайёрланадиган пластмасали капшалардан фойдаланилган. Каппа тайёрлаш учун аввал беморлар оғиз бўшлиғи санация қилинган. Олинган маълумотлар касалликнинг эрта ташхисини ва прогнозини яхшилашга имкон берган, бу эса тишлар патологик едирилишини оғир турларига ўтишини олишга имкон берган. Тишлар патологик едирилишини даволашда тавсия этилаётган даво-профилактика усулининг иқтисодий самарадорлиги тишлар патологик едирилишини учраш даражаси, стоматологик хизмат кўрсатишни амалга ошириш механизмининг ишлаб чиқилганлиги асосида ҳисоблаб чиқилган.


Навоий кон-металлургия комбинати Тиббий-санитария бўлими (НКМК ТСБ) стоматология поликлиникасига даволаниш учун мурожаат қилган 20- 60 ёшдаги тишлар патологик едирилиши бор 108 нафар - асосий гуруҳ ишчиларда ва Бухоро давлат тиббиёт институти Стоматология ўқув-илмий-амалий марказига мурожаат этган 30 нафар - назорат гуруҳ, тишларда патологик едирилиш йўқ беморларда тиббий текширишлар ўтказилган. Беморларни сўраб-суриштириш вақтида оғрик, оғрикни таъсиротлардан пайдо бўлиши тишларнинг сезувчанлигини ошишига асосий эътибор берилган. Сўраб-суриштириш вақтида анамнез йиғишда, беморларнинг Навоий-тоғ-металлургия комбинатининг қайси бўлимида ишлашига ҳам алоҳида эътибор берилган. Касаллик нимадан бошланганлиги ва қандай ривожланганлиги ҳақидаги фикри тингланган ва батафсил объектив кўриги ўтказилган.

Шикоятларни давомийлиги ва уларни ишлаб чиқаришдаги омиллар билан боғлиқлиги аниқланган. Пародонт тўқималарини объектив текширишда тиш карашлари ва тиш-милк чўнтаги чуқурлиги, милк ҳолати, атрофияси, шиши, ранги, тишларни қимирлаш даражаси, тиш илдизи ва бўйин қисмини очилиб қолганлигига ахамияти берилган [1.3.5.7.9.11.13.15].

Текширилувчилар 4 та ёш гуруҳига бўлиб ўрганилган (расм-1). Энг кўп 41-50 ёшли беморлар 40 нафарни ташкил этган.



1-расм. Ишчилар орасида тишлар патологик едирилишни ёш гуруҳи бўйича тарқалиши



2-расм. Текширилган ишчиларнинг жинслар бўйича тақсимланиши, n=138, нафар

Текширилган асосий гуруҳ ишчиларнинг 61 нафари эркаклар ва 47 нафарини аёллар ташкил этган (расм-2).

Стоматологик кўриқда аввал беморлар ташқи қиёфаси, яъни юз кўздан кечирилди ва шундан сўнг оғиз бўшлиғи текширилган. Шу касалликни ривожланиш анамнези, турмуш тарзи-ҳаёт анамнези, бемор шикоятлари, объектив кўриқ, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, тишлар ва тиш қаторлари, чайнаш мушаклари функционал ҳолати ва тишлов баландлиги ўлчовлари аниқланган.

Организм умумий соматик касалликлари бор-йўқлигига ҳам эътибор берилган. Тишлар ва тиш қаторларини текшириш юқори жағ ўнг томондан бошланган, текшириш давомида тишларнинг ранги, ҳажми, жойлашиши, тишларнинг патологик қимирлашига, олинган тишлар бор-йўқлигига ва альвеоляр ўсиқ ҳолатига эътибор берилган. Вертикал, трансверзал ва сагиттал йўналишларда пастки жағ ҳаракатлари баҳоланган.

Стоматологик махсус текшириш усуллари: Электро-одонто-диагностика (ЭОД), рентгенологик (ортопантограмма), тишлов баландлигини антропометрик ўлчаш, диагностик моделларни ўрганиш усуллари ўтказилган.

КПО индекси – кариес билан шикастланиш интенсивлиги, Грин-Вермильон бўйича гигиена индекси – ОНІ-S аниқланган.

Натижа ва таҳлиллар

Клиник антропометрик параметрларининг баҳоланиши учун –юз параметрлари Н.Х.Шомирзаев (1998 й) методикаси бўйича ўлчанган.


Тишларнинг тарқоқ патологик едирилишининг декомпенсацияланган шаклини даволашдан олдин ва кейин жағнинг гипсли моделларини ўрганиш жараёнида тишларнинг тож қисмининг вертикал катталиги ўлчанган. Оғиз ичи сканери ёрдамида электрон окклюзиография усули ўтказилган (расм-3).



3-расм. Оғиз ичи сканери ёрдамида электрон окклюзиография усули

Тишлар, жағ ва чакка-пастки жағ бўғимини функционал текширишлар ичида рентгенологик текшириш асосий роль ўйнайди. Рентгенологик текширув методлари: тишлар, жағлар ва ЧПЖБ ни функционал таҳлил қилишда муҳим жиҳат рентгенография ҳисобланади.


Бўғим жуфт бўлганлиги учун ЧПЖБ нинг рентгенологик текшируви беморларда бир ёки иккала бўғимларда ноқулайлик борлигидан қатъий назар, иккала томондан ўтказилган.



4-расм. Ортопантомограмма

Очик ва ёпиқ ҳолатдаги оғизда ЧПЖБ элементларининг муносабатларини, шунингдек бутун пастки жағ суяги ривожланишининг морфологик ўзига хосликларини ўрганиш учун беморларга ортопантомограммалар ва магнит – резонанс томографик тадқиқот ўтказилган (расм-4).

Чакка-пастки жағ бўғими мушак-бўғим дисфункция синдромида беморларда компьютер томография (КТ) усулида текширишлар ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. КТ натижасини таҳлил қилишда пастки жағ бўғим бошчасининг бўғим чуқурчасида сагитал текисликка нисбатан симметриклигига асосий эътибор қаратилган. КТ таҳлили Жулев Е.Н., Ершов П.Э (2016 й) усулида ўтказилган. Ён проекцияда бошнинг телерентгенографияси бош суягининг олдинги қисмини таҳлил қилиш Sirona Orthophos XG Cep (SIRONADENTAL, Германия) ускунасидаги ён проекцияда бош телерентгенограммасида 4-6 мкв нурланиш юки билан амалга оширилган (расм-5). Тадқиқот одатдаги окклюзияда ёпиқ тишлар билан ўтказилган. Ён проекцияда бошнинг телерентгенограммаларини таҳлил қилиш Н. В. Панкратова усули бўйича амалга оширилган.



5-расм. 3D-компьютер томография усули

Тадқиқот жараёнида тўрта чайнаш мушагининг электрик потенциали ёзиб борилган. Юза электромиография (ЭМГ) – бу чайнаш мушаклари фаоллашувини таҳлил қилишнинг инвазив

методи. У симметрияли чайнаш мушаклар жуфти ўртасида мушак балансини баҳолаш, пастки жағнинг ён томонга силжиш таъсирини аниқлаш имконини берган Чайнов ҳаракатларини амалга оширишда мушакларнинг тонусини аниқлаш учун чайнов мушакларининг электромиографияси (чакка ва хусусий чайнов мушаклари) ишлаб чиқарувчи томонидан тавсия этилган кўрсатмаларга мувофиқ электродларни терига маҳкамлаш билан чайнаш ва кучланиш ҳолатида юзаки усул билан амалга оширилган. Иш жараёнида максимал амплитудалар таҳлил қилинган. Физиологик тинчлик ҳолатида ва тишларнинг максимал ёпиқ ҳолатида чайнаш ҳаракатлари, хусусий чайнов ва ўнг, чап чакка мушакларнинг (*m. temporalis dexter*, *m. temporalis sinister*, *m. masseter dexter*, *m. Masseter sinister*) кучланиши пайтида мушакларнинг тонусини қайд этувчи ЭМГ натижалари олинган. Биоэлектрик фаоллик кўрсаткичларининг (БЭФ) олинган қийматларига кўра, чайнов ва чакка мушакларнинг функционал ҳолати баҳоланади ва уларни норманинг ўртача қийматлари билан таққослаш амалга оширилган. Даволанишдан олдин ва кейин 108 кишида тадқиқот ўтказилган.

Декомпенсацияланган тишлар патологик едирилишида ЧПЖБ соҳасида шовкин пайдо бўлиши, оғриқ синдроми билан кузатилган, оғиз очишнинг чекланиши билан тавсифланган. Юзнинг палпатор тадқиқоти методик тавсияларда Гаффоров С.А. тавсия қилган усул бўйича ўтказилди. Обектив кўрикнинг маълумотлари “ЧПЖБ ва чайнаш мушакларининг кўригидан обектив маълумотлар балларда оғриқ ҳисларига баҳо бериш учун “Оғриқни баҳолашнинг вербал таърифлаш шкаласи” (ВАЎ) – Verbal Descriptor Scale дан фойдаланилган.

Ҳаёт сифати сўровномаси, ОНIP-14 – “Стоматологик саломатликка таъсир профили”(Oral Health Impact Profile). Сўровнома 36 та банддан иборат бўлиб, улар 9 та шкалага бирлаштирилган. Ушбу сўровнома ҳаёт фаолияти жараёни муаммоларини акс эттирувчи ўн тўртта саволларни ўз ичига олган.

Натижаларнинг статистик ишланиши Windows 7.0 учун Statistica шахсий компьютер дастурий таъминотининг пакетида, шунингдек “EXCEL-2007” компьютер дастури ёрдамида ўтказилган. Таҳлил қилинаётган аломатларни тақсимлаш параметрлари ўрта квадрат оғишнинг ($M \pm m$) ўртача қиймати кўринишида кўрсатилган. Бир жуфтдан ортик ўрта қийматларни таққослаш учун кўплаб солиштириш методидан фойдаланилган (Нюмен-Кейлс); кўплаб солиштириш учун Студент мезони ҳисобланган. Корреляция коэффиценти Спирмен бўйича ҳисобланган. Таққосланаётган аломатлар бўйича гуруҳлар ўртасидаги фарқ $p < 0,05$ да статистик аҳамиятли деб олинган.

Беморлар сўраб суриштирилганда аксарияти эстетикасининг бузилишидан, тиш тожи баландлигининг пасайганлигидан, овқат узиб олишнинг қийинлашишидан, ширин, нордон ва шўрни сезувчанликнинг ортишидан, милк қирғоғининг жароҳатланишидан шикоят қилганлиги аниқланган.

Тишлар патологик едирилишини горизонтал кўриниши 20-30 ёш гуруҳи эркакларнинг 2 нафарида аёлларнинг 3 нафарида, 41-50 ёш гуруҳи эркакларнинг 10 нафарида аёлларнинг 8 нафарида аниқланган. Тишлар патологик едирилишини вертикал кўриниши 20-30 ёш гуруҳи эркакларнинг 3 нафарида аёлларнинг 2 нафарида, 51-60 ёш гуруҳи эркакларнинг 8 нафарида аёлларнинг 9 нафарида аниқланган. Текшириш натижаларига кўра тишлар патологик едирилиши беморларни ёш гуруҳига тўғри пропорционал равишда ортиши ва бемор жинсига ҳам боғлиқлиги аниқланган.

Хулоса

Биринчи даражадаги декомпенсацияланган тарқоқ патологик едирилишни даволашда CAD/CAM-технологияси билан тайёрланган эластик каппалардан фойдаланиш одий усулда тайёрланган каппаларга нисбатан 20 % самарали натижа берган, тишлар сезувчанлигини пасайтириш учун “Сенсистаб” гелидан фойдаланиш тишлар сесувчанлигини пасайтирган. 2 ва 3 даражадаги декомпенсацияланган тарқоқ патологик едирилишни даволашда каппалар ёрдамида босқичма-босқич дезокклюзия, моляр тишлар соҳасида иккала жағга қуйма қопламалар ва қисман тишсизликда қуйма кўприксимон протезлар, ўзакли тишлар, имплантантлар ва фронтал тишларга CAD/CAM-технологияси билан тайёрланадиган диоксид циркон қопламалар билан ортопедик даволаш анъанавий даволашга нисбатан 1,5 марта самарали натижага эришилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. V.A. Axadov, A.A. Saidov Early detection of pathological tooth erasure and optimization of complex treatment/ Journal for Innovative Development in Pharmaceutical and Technical Science (JIDPTS). ISSN (O): 2581-6934 Volume:4, Apr:2021. Pages-35-37
2. Ахатов В.А., Саидов А.А. Тишлар патологик едирилишида тишлов баланглигининг ўзгаришлари ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари Доктор Ахборотномаси, Илмий-амалий журнал №1 (113) 2024 й, 26-31 бет.
3. В.А.Ахатов, Саидов А.А. Тишлар патологик едирилиши ва уларни даволаш Тиббиётда янги кун, Илмий-рефератив, маърифий-маънавий журнал №1 (63) 2024 й 235-242 бет
4. V.A. Axadov, A.A. Saidov Criteria for Determining the Degree of Distribution of Pathological Edging of Teeth among Workers of the Mining and Metallurgical Combine Research journal of trauma and disability studies// Volume: 3 Issue:1 | January–2024 ISSN: 2720-6866 P-51-55
5. V.A. Axadov, A.A. Saidov Development of early diagnosis and preventive measures of pathological edirism of teeth among workers Central asian journal of medical and natural sciences// Volume: 05 Issue: 01 | Jan-Feb 2024 ISSN: 2660-4159 (320-324 page)
6. Ахатов В.А., Саидов А.А. Коррекция высоты прикуса и профилактика патологической стираемости зубов: современные подходы// Ўзбекистон тиббиёт журнали, №4 2024й.С-213-217.
7. В.А.Ахатов Экологик нокулай шароитда яшайдиган аҳоли орасида тишлар патологик едирилишини кечиши Ёшларни қўллаб-қуватлаш ва аҳоли саломатлигини мустахкамлаш йили” га бағишланган ЁШ ОЛИМПЛАР КУНЛАРИ Республика илмий-амалий онлайн анжумани халыаро иштироки билан. Тошкент-2021
8. V.A. Axadov, A.A. Saidov Dental anomalies and optimization of complex treatment international conference on Scientific Endeavors and Opportunities Hosted from Telavi, Georgia on 17th-18th March,2021. P-138-139.
9. V.A. Axadov, A.A. Saidov Pathological tooth erasure and optimization of complex treatment International Consortium on Academic, Trends on Education and Science Hosted from London England April 3rd-4th 2021.P-193-194.
10. В.А.Ахатов Экологик нокулай ҳудудларда ишлайдиган аҳоли орасида тишлар патологик едирилиши III Международная научно-практическая онлайн конференция студентов и молодых ученых 26 мая 2021г. Бухара

Қабул қилинган сана 20.03.2025